

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
7 апрель
ШАНБА

№ 28 (13081)

www.thtp.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатиغا ҳақ тўлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб базавий лавозим маошлари миқдорларини табақалаштирилган ҳолда:

олий таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчиларининг – ўртача 25 фоизга ва стажер-ўқитувчи ҳамда фан доктори илмий даражасига эга профессор иш ҳақининг миқдорлари ўртасидаги тафовутни икки бараваргача ошириш;

илмий-тадқиқот муассасаларининг фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурларини амалга ошириш ва инновация ишларида иштирок этаётган илмий ходимларининг – ўртача 25 фоизга ва стажер-тадқиқотчи ҳамда фан доктори илмий даражасига ва профессор илмий унвонига эга бош илмий ходим иш ҳақининг миқдорлари ўртасидаги тафовутни икки бараваргача ошириш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб: базавий докторантурада таълим олаётган шахсларга – илмий унвон ёки илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган) кичик илмий ходимнинг лавозим маоши базавий миқдорларига тенглаштирилган стипендиялар;

докторантурада таълим олаётган шахсларга – фан номзоди (ёки фалсафа доктори (PhD) даражасига ва хорижий давлат-

ларнинг тегишли мутахассислик бўйича унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) илмий даражасига ёки илмий унвонга эга бўлган етакчи илмий ходимнинг лавозим маоши базавий миқдорларига тенглаштирилган стипендиялар тўланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 1 июлгача:

олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари ва профессор-ўқитувчилари, шунингдек, бошқа ходимлари меҳнатиغا ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошларини;

илмий-тадқиқот муассасаларининг фундаментал, амалий тадқиқотлар илмий-техник дастурлари лойиҳаларини амалга ошириш ва инновация ишларида иштирок этаётган илмий ҳамда раҳбар ходимларнинг базавий лавозим маошларини ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда бюджет маблағлари ҳисобидан қайта кўриб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ушбу қарорда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 5 апрель

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиётининг бугунги тараққиётида 80 йилдан зиёд тарихга эга бўлган, мамлакатимиздаги нуфузли ижодий ташкилотлардан бири ҳисобланадиган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг муносиб ўрни бор. Мустабид тузум давридаги турли мафкуравий таъйиқларга қарамасдан ушбу ижодий уюшма миллатимизнинг руҳи бўлган она тилимиз, азалий қадриятларимизни сақлаб қолиш ва авлодларга безавол етказиш, халқимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, мустақиллигимизнинг маънавий асосларини яратиш, сўз санъаткорларини бирлаштириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш истеъдод эгаларининг салоҳиятини рўйбга чиқариш борасида катта ишларни амалга оширди.

Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар каби миллий адабиётимиз ривожини янги босқичга кўтариш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйи ва поликлиникаси тубдан реконструкция қилинди. Уюшма қошида "Ижод" жамоат фонди тузилди. Пойтахтимизда Адиблар хиёбони барпо этилди, Ёзувчилар уюшмаси учун янги бино қурилиб, ҳудудларда улуг адибларимиз номлари билан аталган ижод мактаблари, маданият ва истироҳат боғлари бунёд қилинмоқда. Адабиётимиз атоқли намояндаларининг юбилей саналари муносиб нишонланмоқда, истеъдодли ёшларни тарбиялаш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли ижодий анжуманлар ўтказилмоқда. Ёш шоир ва ёзувчиларнинг биринчи китоблари давлат ҳисобидан кўп минг нусхаларда нашр этилиб, таълим масканлари ва кутубхоналарга етказиб берилмоқда.

Амир Тему
таваллудининг
682 йиллигига

СОҲИБҚИРОН ҚУДРАТИДАН МЕРОС ҲИҚМАТЛАР

Вилоятимизда буюк бунёдкор Амир Тему бобомиз қадами етган, ҳазрат Соҳибқирон шахсан ўзи обод этган қутлуг гушалар кўп. Масалан, ҳозирги Оққўрғон худудидаги қадимий Шохруҳия шаҳрига Амир Тему асос солганини тарихий манбалар тасдиқлайди. Шунингдек, бугун янада файзиёб бўлиб, минглаб зиёратчиларни чорлаётган Зангиота меъморий мажмуаси ҳам айнан Соҳибқирон бобомиз амрига кўра бунёд этилган.

Ул зот ташаббуси ва ҳомилигида Самарқанд, Шахрисабз, Бухоро, Ясси каби дунёнинг кўплаб шаҳарларида юзлаб олийшон иморатлар қад ростлаган. Бундай улкан бунёдкорликка асос бўлган ҳиқматларни "Тему тузуқлари"дан топамиз: "Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зехним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим".

Амир Темурунинг ҳаётий маслагидан келиб чиққан ҳиқматлари нафақат кечаги кунда улуг ишларга пойдевор бўлган билан қадрли, балки бугунги кунда ворисларни улкан бунёдкорликларга даъват этиши билан ҳам гоёт аҳамиятлидир. Соҳибқироннинг: "Тажрибамдан кўрилганким, азии қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир", деган хулосаси ҳамма замонлардаги тараққиёт қарвонининг қўнғироғи каби садоланади. Юқоридаги фикрнинг мантикий давомига бошқа жуда кўп ўринларда дуч келамиз: "Юз минг отлик аскар қила олман ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин".

Давоми 4-бетда ➡

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда таълим ва илм-фан тизимини такомиллаштириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ҳамда изчил ишлар мамлакатнинг ижтимоий-

иқтисодий устувор вазифалари билан бирга ижтимоий-иқтисодий ва соҳа тармоқларини жадал ривожлантиришга қодир бўлган янги, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун зарур

бўлган шароитларни таъминлаш мақсадида мувофиқ қўзланган марраларга эришининг жадаллаштирилишига олиб келди.

Давоми 2-бетда ➡

Давоми 2-бетда ➡

«Томорқага экин экиш ойлиги» давом этмоқда

Баҳор фаслининг одамга хуш ёқувчи, кайфияту руҳиятни кўтарадиган айни об-ҳаво шароитида вилоятимиз фермер ва деҳқон хўжаликлари аъзолари, озми-кўпми томорқа ерига эга юрдошларимиз экин-тикин ишларини жадал давом эттирмоқда. Зеро, экин эккан, унга, ерга меҳр берган одам борки, ҳаракатига яраша даромадга эга бўлади.

ОҚҚЎРҒОНЛИКЛАРНИНГ УЙҒОНГАН РОСТ БЎЛСИН

Айтиш жоиз, шаҳар ва туманларимизда яшовчи аҳоли ихтиёрида гектарлаб чўп суқса кўкарадиган, меҳнат қилса яхшигина фойда оладиган, ҳосилдор ерлар мавжуд. Афсуски, улардан самарали фойдаланиб келинмоқда, деб бўлмайди.

Мисол учун, ўтган йиллари Оққўрғон туманидаги "Тортувли" ва "Ҳосилдор" маҳалла фуқаролар йиғинларида қарашли кишлоқларда яшовчи бешта оила ўзларига тегишли томорқага яхши қарамаган. Фойдали экинлар экмаган, экса ҳам бу ишни кечиктириб, сифатсиз бажарган. Албатта, ерга бундай муносабатда бўлиш орқали ижобий натижага эришиш мушкул.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, Президентимиз раислигида жорий йилнинг 23 март куни кишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ишлар натижадорлигига бағишланган йиғилишда ҳам баъзи жойларда томорқа ерларидан самарали фойдаланилмаётгани, аксарият кишиларда 8-10 сотих томорқа ери бўлса-да, ҳеч нарса экилмасдан, ободонлаштирилмасдан қаровсиз, бўш қолдирилаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Туманда мазкур йўналиш бўйича фаолият олиб бораётган ишни гуруҳ аъзоларининг айтишича, жорий йил ҳам ўша беш оила аъзолари ерга уруғ қадашга шошилмаган. Бундан хабар топган масбуллар оилалардаги аҳволни ўрганган.

Давоми 3-бетда ➡

ҲОЗИР МАЙСАЛАР «ШИВИРИ»ГА ҚУЛОҚ TUTАДИГАН ПАЙТ

Юқори Чирчиқ туманида пахта ва галла экинларига ихтисослашган жами 320 та фермер хўжалиги бўлиб, айни пайтда уларга тегишли 9 минг 900 гектар сувли ҳамда 800 гектар лалми ерда галла парваришланмоқда.

Бугуннинг юмушлари

– Ҳозир майсалар "шивири"га қулоқ тутадиган пайт, шу боис агротехник тадбирларни сифатли амалга оширишга ҳаракат қилаёلمиз, – дейди Юқори Чирчиқ тумани ҳокими ўринбосари Ҳасан Эшоннов. – Шу кунгача ҳар гектар галла майдонида беш тоннадан маҳаллий ўғит чиқарилди. Бундан ташқари, ўсимлик бегона ўтлардан тозаланиб, зараркундаларга қарши курашиш, шарбат усулида суғориш ҳамда суспензиялаш ишлари режа асосида бажарилмоқда. Зеро, ҳосилдорлик ниҳол парваришига боғлиқ.

Мазкур туманда галла парвариши бўйича олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақ-

садида "Фарадес хирмони" фермер хўжалигида бўлди. Ям-яшил бўғдойзорлар кўзни қувнатди. – Қирқ олти гектар ерга галланинг "Гром" навини экканмиз, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Зафар Абдураимов. – Экинга озукани вақтида ва керакли миқдорда бериш – ҳосилдорликни оширади. Айни пайтгача бўғдойга икки марта, яъни дастлаб гектарига 200, сўнгра 300 килограммдан минерал ўғит солдик. Ҳозир дала бегона



ўтлардан тозаланмоқда. Занг ва бошқа касалликларга қарши чоралар кўриляпти.

"Фарадес хирмон" фермер хўжалигида ўтган йили ҳар гектар галладан 55-65 центнердан ҳосил

олинган. Бу йил ундан ҳам юқори натижага эришишга астойдил ҳаракат қилинмоқда.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
Тошкент ҳақиқати мухбири
Қ. ҒОҒУРОВ олган сурат

Давоми 4-бетда ➡

ҚАДАМИНГГА ҲАСАНОТ, БОЛАЖОН!

Янгийўл шаҳрининг "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинида шаҳардаги илк хусусий болалар боғчаси иш бошлади. Тадбиркор Дилфуза Азимова томонидан ташкил этилган ушбу мактабгача таълим муассасаси 50 нафар болакайга мўлжалланган.

Мактабгача таълим



Замонавий қиёфа касб этган боғчада болалар учун барча шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ хоналар, спорт зал, мусиқа ва рақс билан шуғулланишга мўлжалланган хона, ўйин майдони, замон талаблари даражасида жиҳозланган таом тайёрлаш блоклари навқирон авлод хизматида.

– Мактабгача таълим муассасалари таълим тизимининг муҳим бўғинидир, – дейди Дилфуза Азимова. – Бугунги кунда кўп ота-оналар фарзандларини хусусий боғчага беришни исташмоқда. Бу ерда боланинг турли йўналишлар бўйича қобилиятини аниқлаш ва ривожлантириш, чет тилларини, санъат турларини ўрганиши учун шароит яратилишига алоҳида эътибор қаратилади. Таъкидлаш жоизки, хусусий боғчаларни ташкил этиш учун сармоя киритишни мақсад қилган тадбиркорлар учун қатор қулайлик ва имтиёзлар тақдим этилмоқда.

Муассасанинг очилишига бағишланган маросимда вилоят ҳокими ўринбосари Баҳодир Аҳмедов иштирок этди.

Ўз мухбиримиз
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат

Бунёдкорлик

Борлиқ ажиб тароватга чулганган шу кунларда Янгийўл туманида иккита янги маскан фойдаланишга топширилди. Қувонарлиси, уларнинг ҳар иккаласи ҳам зиё маскани, тарбия, маърифат ўчоғидир.

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАРГА ҚЎШАЛОҚ ТУҲФА

Тумандаги "Гулбаҳор" шаҳарчаси ҳақида эшитган чилқарсиз. Қўли гул, уста боғбонлар юрти, хунариандлар макони бўлиши бу масканнинг доврўғи юртимиз бўйлаб таралган. Кўни кеча тадбиркор Шерзод Субановнинг сай-ҳаракати билан шаҳарчада "Китоблар олами" мажмуаси иш бошлади.

– Очигини айтсам, шундай маскан очилиши кўпдан бери ўйлаб юрардим. Теле-

визор орқали жойларда иш бошлаган шу каби мажмуаларни кўрганимда, кўнглимда ўзимизнинг шаҳарчамизда ҳам ёшларни маърифатга ошно қиладиган замонавий китоб дўкони очилишга бел боғладим, – дейди тадбиркор Шерзод Субанов. – Шу мақсадда оила бюджетимиздан 25 миллион сўм сармоя сарфладик.

Давоми 3-бетда ➡

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Айни вақтда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг асосий фаолият йўналишлари, унинг Низоми ва таркибий тузилмаси бугунги шиддатли давр талабларига тўла жавоб берадими. Бозор иқтисодиёти ва глобаллашув жараёнлари билан боғлиқ ҳозирги мураккаб шароитда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг ҳаётий манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамият тараққиёти учун бекиёс аҳамиятга эга бўлган машаққатли ижодий меҳнатини муносиб қадрлаш, адабиёт ва санъат соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, бадий ижод аҳлининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, истеъдодли ёш ижодкорларни тизимли асосда тарбиялаш ва бошқа ўта муҳим йўналишларда оқсоқликка йўл қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегиясида белгилаб берилган асосий вазифаларни, жумладан, "Давлат – маънавиятнинг бош ҳимийси", деган устувор тамойилни ҳаётга изчил жорий қилиш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш ва унинг иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида:

1. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда ижодий жамоатчиликнинг:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг (кейинги ўринларда – Уюшма деб аталади) жамиятимизда миллий ғоя, янгича тафаккур ва дунёқарашни ривожлантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

Уюшма аъзоларининг ижтимоий-маънавий фаолиги ва масъулиятини ошириш, уларни халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини, эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан эришिलाётган туб ўзгаришларни теран акс эттиришга қаратилган юксак бадий асарлар яратишга рағбатлантириш;

Уюшма аъзоларининг моддий ва маънавий манфаатларини, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш, машаққатли ижодий меҳнатини адолатли баҳолаш;

Уюшманинг обрў-эътибори ва юксак мақомига муносиб сақлаш, унинг сифат таркибини яхшилаш мақсадида ушбу ташкилотга аъзоликка қабул қилиш бўйича замонавий ва таъсирчан мезонларни белгилаш;

катта истеъдод ва юксак гражданлик позициясига эга бўлган кекса авлод вакиллариининг ижодий салоҳияти ва маҳоратидан ёшларни кенг баҳраманд этиш; ёш истеъдод соҳибларини излаб топиш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш учун қўқур ўйланган, замонавий илм-фан ютуқларига асосланган инновацион усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш; дунё адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш ва чоп этиш, мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг энг сара намуналарини хорижий тилларга ўғириш ва чет элларда тарғиб этиш тизимини яратиш;

Ўзбек тилидаги Интернет адабиётини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мумтоз адабиётимизни, хусусан, Алишер Навоий асарларини халқимизга янада яқинлаштириш, бу ноёб меросни маънавиятимизнинг ҳаётбахш манбаи ва таркибий қисmini айлантириш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг олий органи – Конференциясининг Уюш-

манинг таркибий тузилишини қайта кўриб чиқиш ва янги тахрирдаги Низомини тасдиқлаш, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимларига қўшимча штатлар ажратиш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Уюшма аъзоларининг моддий ва маънавий манфаатларини таъминлашни кучайтириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Уюшма билан биргаликда ижодкорларнинг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мулк шаклидан қатъи назар, барча оммавий ахборот воситалари, жумладан, электрон ОАВ, нашриётлар томонидан муаллифлик гонорари тўлашни қонуний асосда таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олсин;

kitob savdosи тизимини такомиллаштириш, жумладан, Уюшма аъзоларининг янги нашр этилган асарлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ўқувчиларга ўз вақтида етиб боришини, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлари, шунингдек, корхона ва ташкилотлар, ҳўжалик бирлашмаларининг ўз маблағлари ҳисобидан ушбу китобларни сотиб олишини ва улар билан ўз тасарруфидоги ахборот-ресурс марказлари, кутубхоналар, маданият саройлари, маънавият хоналарини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 октябрдаги "2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартираларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини самарали амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3350-сон қарорига мувофиқ Уюшма аъзолари учун:

Тошкент шаҳрида имтиёзли ипотека кредити асосида 110 та квартираларни уй-жой қуриш ишлари бошлангани маълумот учун қабул қилинсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ҳокимликлари 2018-2021 йилларда ҳудудларда яшаб фол ижод қилаётган, уй-жойга муҳтож Уюшма аъзолари учун имтиёзли ипотека кредити асосида уй-жойлар ажратиш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқсин ва "Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин. Вазирлар Маҳкамаси мазкур режаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини қатъий назоратга олсин;

Мазкур уй-жойларни тақсимлашда қонунийлик ва адолат мезонларига қатъий амал қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда Уюшма аъзолари, жумладан, вилоятларда яшаётган ижодкорларга сифатли ва имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш масалалари комплекс бир ой муддатда Уюшмага қарашли ижод уйлари ва ошхоналарни арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича аниқ режа ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

7. Тошкент ва Жиззах вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда "Дўрмон" ижод уйи ҳамда янги бунёд этилаётган "Паркент" ва "Зомин" ижод уйлари билан мақсадли ва самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фондининг Қорақалпоғис-

тон Республикаси ва вилоятларда ушбу фондининг ҳудудий бўлимларини тузиш тўғрисидаги тақлиф маъқуллансин.

Амалдаги тартибга биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири "Ижод" жамоат фонди Вазирлик кенгашига раислик қилишини инобатга олган ҳолда, фондининг ҳудудий бўлимлари Вазирлик кенгашига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси ва вилоятлар ҳокимлари раис, ҳудудий университет ва институтлар ректорлари раис ўринбосарлари сифатида бириктирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда "Ижод" жамоат фонди ҳудудий бўлимларининг молиявий манбаларини аниқласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

Уюшманинг ҳудудий бўлимлари фаолиятини самарали ташкил этишга кўмаклашиш;

ўз ҳудудида яшаётган Уюшма аъзолари ҳамда истеъдодли ва истикболли ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

Уюшма аъзолари иштирокида маҳаллалар, ҳарбий қисмлар ва таълим муассасаларида мунтазам маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш, шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарида шартнома асосида ижодий учрашувлар ташкил этиш ишларида шахсан масъул экани белгилаб қўйилсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Уюшма билан биргаликда бир ой муддатда Уюшма ҳудудий бўлимларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси билан биргаликда Уюшма ҳузуридаги "Ижод" жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ҳудудий бўлимларни 1 та (бита)дан энгил хизмат автотранспорт воситалари билан таъминлаш чораларини қўриш тавсия этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда Уюшма муассислигида нашр этиладиган "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Шарқ юлдузи" – "Звезда Востока", "Жаҳон адабиёти", "Ёшлик", "Амударё" журналлари тахририятларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда ушбу нашрларни қозғош билан таъминлаш, босмахона харажатларини қоплаш ва уларнинг обунасига кўмаклашиш учун "Ижод" жамоат фондида қўшимча маблағлар ажратиш назарда тутилсин.

Мамлакатимиздаги бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари, ҳўжалик бирлашмалари, компаниялар ва банклар билан маданият ва санъат ташкилотлари ўрта-сида йўлга қўйилган "Дўстлар клублари" фаолиятининг ижобий самара бераётганини инобатга олган ҳолда:

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси ва "АКФА" МЧЖ;

"Шарқ юлдузи" – "Звезда Востока" журналлари ва "IMZO" МЧЖ;

"Жаҳон адабиёти" журналари ва "Delta-Qurmah" МЧЖ;

"Ёшлик" журналари ва "Universal Packing Masters" МЧЖ;

"Амударё" журналлари ва "Ўзқурилишматериаллари" АЖ ўртасида "Дўстлар клублари"ни тузиш, шартнома асосида доимий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш тўғрисидаги тақлифлар қўллаб-қувватлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Дўстлар клублари"ни ташкил этиш бўйича тахририят Уюшманинг ҳудудий бўлимлари учун ҳам жорий этсин ва

бир ой муддатда бу масала бўйича аниқ чоралар кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Уюшманинг ҳудудий бўлимлари ўз тадбирларини ўтказиш учун тегишли бино ва залларга эга эмаслигини инобатга олиб, уларнинг жойлардаги университет ва институтлар имкониятларидан беғараз фойдаланишини таъминласин;

Уюшманинг ҳудудлардаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида ижодкор ёшлар ва талабалар жамоалари билан фаол маънавий-маърифий иш олиб бориш ҳақидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда:

бир ой муддатда ҳудудларда ташкил этилган Исоҳқон Ибрат, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Ибройим Юсуфов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф номи билан аталган ижод мактабларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин. Бунда Ёзувчилар уюшмаси ўқув дастурларини илмий ва ижодий жиҳатдан шакллантириш, мазкур мактабларга иқтидорли ўқувчиларни танлаб олиш, кўзга кўринган ёзувчи ва шоирлар томонидан ижодий семинарлар олиб боришни таъминлаш бўйича асосий ижрочи ва жавобгар экани белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги фаолиятини кучайтириш, ҳарбий қисмлар, ҳарбий йўналишдаги билим юртлари, хусусан, "Темурбеклар мактаблари"да тизимли равишда маънавий-маърифий ишларни ташкил этишга доир тақлифлари маъқуллансин.

16. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Уюшма ҳузурида "Зулфияхоним қизлари" клубини ташкил этиш ҳақидаги тақлифи маъқуллансин.

"Зулфияхоним қизлари" клуби аъзоларининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тақлифига асосан Тошкент шаҳрига клуб маъмулотларига ҳар чоракда бир марта келиб-кейтиши билан боғлиқ харажатлар "Ижод" жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошида Олий адабиёт курсини ташкил этиш ҳақидаги тақлифи маъқуллансин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2018 йилнинг 1 августига қадар Олий адабиёт курси мутахассисликлари бўйича тегишли малака талаблари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

18. Белгилаб қўйилсинки, 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Олий адабиёт курсига бакалавр даражасига эга бўлган ва адабиёт соҳасида ўз ижодий қобилиятини намоён этган ижодкорлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ танлов асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан келишилган ҳолда, Олий адабиёт курсига йиллик қабул

квоталарини (40 фоизи бюджет ва 60 фоизи тўлов-контракт бўйича) белгиланган тартибда шакллантирсин.

19. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда бир ой муддатда Адиблар хийбонидида мунтазам маънавият дарслари, китоб мутолааси соатлари, ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ўтказиш, ушбу ҳудудда жойлашган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биносидида атоқли ижодкорларга бағишланган экспозициялар уюштириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш тавсия этилсин.

20. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлигининг:

истеъдодли ижодкорларга "Ижод" жамоат фонди маблағлари ҳисобидан аниқ ижтимоий буюртмалар бериш тизимини шакллантириш;

бадий асарларни хорижий тилларга таржима қилиш мақсадида миллий адабиётимизнинг энг яхши намуналарини аниқлаш бўйича махсус комиссия тузиш; комиссия томонидан сараланган асарларни "Ижод" жамоат фонди маблағлари ҳисобидан хорижий тилларга юқори сифат билан таржима қилиш ва чет элларда нашр эттириш;

бадий адабиёт бўйича ёш таржимонларни тайёрлаш, фаолият кўрсатаётган таржимонларнинг профессионал малакаси ва маҳоратини оширишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

республика бўйича "Китоб акцияси" тадбирларини мунтазам йўлга қўйган ҳолда, маҳалла ва мактаблар, Меҳрибонлик уйларида "Ижод" жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилган китобларни бепул етказиб бериш ҳақидаги тақлифлари маъқуллансин.

21. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда Интернет тармоғи орқали миллий адабиётимизни кенг тарғиб этиш чораларини кўрсин.

22. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда аудиокитоблар ишлаб чиқариш ва уларни тарқатиш, шунингдек, ўзбек адабиёти тарғибига бағишланган телекўрсатув ва радиоэшитиришларни тизимли равишда эълон қилиб бориш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 5 апрель

◀◀ Бошлангич 1-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМий-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕХНАТИГА ҲАҚ ТўЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТўҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Бироқ, айни вақтда республиканинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларидаги илмий ҳамда илмий-педагогик кадрларнинг салоҳияти паст даражада қилиб кетмоқда. Илмий унвон ёки илмий даражага эга бўлган олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларнинг мазкур жараёнлардаги улуши тинимсиз пасайиб бораётди. Кўп ҳолларда бу вазият илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий унвон ёки илмий даражалар олишга бўлган ўриниши сўнгги йиллар давомида моддий манфаатдорлик оқибатида пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда, чунки стажёрлар (илмий унвон ва даражасиз) билан профессор – бош илмий ходимлар (илмий унвон ёки даражага эга) ўртасидаги фарқ 50 фоиздан ортамаҳол ҳолда сақланиб қолмоқда.

Илмий фаолиятни рағбатланти-

◀◀ Бошлангич 1-бетда

риш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва илмий ходимларининг моддий манфаатдорлигини тубдан ошириш, шу жумладан, лавозимлар, илмий унвон ва даражалар ўртасидаги табақалашувни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор 2018 йил 1 сентябрдан бошлаб 81 та олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва 136 та илмий-тадқиқот институти илмий ходимлари таркибининг барча базавий лавозим маошлари миқдорлари сезиларли оширилишини назарда тутди: ҳаммаси бўлиб 38 мингдан ортиқ олий таълим муассасалари (28,1 минг одам) ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари (8,0

минг одам), шунингдек, 1,9 минг докторантлар.

Базавий лавозим маошлари табақалаштирилган ҳолда оширилиб, биринчи ўринда илмий унвон ёки даражага эга бўлган ходимларга табиқ этилади. Ўртача ҳисобда базавий лавозим маошлари 25 фоизга оширилади (стажёрларга 5 фоиздан, олий таълим муассасалари профессорлари ва илмий-тадқиқот институтларининг бош илмий ходимларига 38 фоизгача). Табақалаштирилган базавий лавозим маошлари оширилишини назарда тутган ҳолда эгаллаб турган лавозимидан, илмий унвон ёки даражаси борлигидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда стажёр билан профессор ўртасида базавий лавозим маошлари миқдорлари 100 фоизга ёки икки бараварига оширилиши кўзда тутилди. Тақлиф қилинаётган чора-тадбирлар олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва илмий-тадқиқот институтларининг

илмий ходимлари ўз билимлари ва касбий кўникмаларини доимий равишда ошириб боришлари, илмий фаолиятларини олиб боришлари учун рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқилди.

2018 йилнинг 1 сентябидан бошлаб базавий лавозим маошлари оширилишига ҳаммаси бўлиб 73,8 миллиард сўм (38,4 – давлат бюджетига маблағлари), улардан 60,3 миллиард сўм – олий таълим муассасалари учун (24,9 – миллиард сўм давлат бюджетига маблағлари), 11,3 млрд. сўм – илмий-тадқиқот институтлари учун, шунингдек, 2,2 миллиард сўм олий таълимдан кейинги таълим институти учун қўшимча ажратилиш режалаштирилган. Шу билан бирга республиканинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимларига меҳнат ҳақи тўлашда қўшимча ойлик харажатлари миқдори 18,4 миллиард сўм бўлиб, жумладан, 9,6 миллиард сўми Ўзбекистон Республикаси Давлат

бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Қарор билан алоҳида белгиланганки, олий таълимдан кейинги таълим институтиларида таълим олаётган 1923 нафар тадқиқотчи илмий унвони ёки даражаси бўлмаган кичик илмий ходимнинг базавий лавозим маоши миқдорларига тенглаштирилиб, 1,76 миллион сўм (базавий докторантура, 1669 нафар) ҳамда фан номзоди илмий даражаси ёки унвони бўлган етакчи илмий ходимнинг базавий лавозим маоши миқдорларига тенг бўлган – 2,2 миллион сўм (докторантура, 254 нафар) миқдорда оширилган стипендия (17 фоиз – 18 фоизга оширилади) тўланади.

Мазкур қарор билан фан доктори илмий даражаси бўлган профессорлар меҳнат ҳақи миқдори 38-44 фоизга оширилади ва амалдаги 2,5 миллион сўм ўрнига 3,46 миллион сўм бўлади ва шу билан стажёр-ўқитувчининг меҳнат ҳақи

миқдори билан 100 фоизли тафовутни ҳосил қилади (стажёр маоши – 1,73 миллион сўм).

Илмий-тадқиқот муассасаларида фан доктори даражаси ёки профессор унвонига эга бош илмий ходимнинг меҳнат ҳақи амалдаги 2,25 миллион сўм ўрнига 38 фоизга оширилиб, 3,11 миллион сўмга етади, стажёр-тадқиқотчи меҳнат ҳақи миқдоридан 100 фоизга ёки икки бараварига оширилади (стажёр маоши – 1,55 миллион сўм).

Қабул қилинган қарор республиканинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш йўли орқали таълим сифатини ва илмий фаолиятини ошириш масалаларини ҳал этиш, олий таълим муассасалари ва академик илм-фанни янада ривожлантириш, илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш,

ЯНГИЙЎЛЛИКЛАРГА ҚЎШАЛОҚ ТУҲФА

Раҳбарларнинг қўллаб-қувватлаши, кўпнинг дуоси билан, мана, дўконимиз иш бошлади. Дўконимизда компьютер орқали электрон китобларни ўқиш имконияти ҳам мавжуд. Айни пайтда 400 номдаги китоблар тўплами қулай нархларда сотувга чиқарилган. Энди фаолият турини кенгайтириш, сотувдаги китоб маҳсулотларини кўпайтириш ҳаракатидамыз. Насиб қилса, тез орада бу ниятимиз ҳам амалга ошади.

Шинам ва ораста мажмуанинг очилиш маросими ҳудуд аҳолиси ўртасида катта тантангага айланиб кетди. Шу кун бу ерга ёш қари, ишчи хизматчи оқиб келаверди, десак муболага бўлмайди. Халқимизда китобга нисбатан бундай юксак даражадаги меҳр-муҳаббат – буюк марраларни забт этиш иштиёқининг асл манбаи экани яққол кўзга ташланар эди.



Мажмуанинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси О. Парпиева иштирок этди. У тадбир иштирокчилари билан мулоқотга киришиб, янги мажмуа ҳудуд аҳолиси учун баҳорий туҳфа бўлгани, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бошланган аҳолини китобга ошно қилиш ният-мақсади умумийлик ҳаракат тусини олгани ҳақида сўзлади. Ёш ижрочилар томонидан тайёрланган гўзал куй-қўшиқлар, шеър йиллашлар тадбирга янада файз киритди.

Туманинг яна бир довуқли маскани бу, албатта, "Ниезбоши" маҳалласидир. Рўзгорбон резавор маҳсулотлар етиштириш борасида юртимизда ниезбошиликларнинг олдига тушадигани йўқ. Хул-

лас. Наврўз шукуҳи дилларни сарафроз этиб турган айни кунларда ҳудудда яна бир хайрли иш воқе бўлди.

"Ниезбоши"да дув-дув гап – янги хусусий мактабга таълим муассасаси иш бошлади!

Таълим-тарбия масканида кейинги йилларда тизимда жорий бўлган катта ўзгаришлар, ислохотлар руҳи сезилиб туради: ҳар бир деталнинг жойлашуви, машғулотлар хонаси, мусика ва спорт зали ноъанавий усулда жиҳозланган.

Муассасанинг очилиш маросимида сўзга чиққан туман ҳокими Абдуқоҳор Тўхтабоевнинг маълум қилишича, жорий йил якунига қадар яна 12 та МТМ қуриб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. Уларнинг қарийб барчаси хусусий сектор вакиллари томонидан барпо этилади. Му-



қояса қилиб кўрадиган бўлсак, айни пайтда туман бўйлаб атиги 10 та мактабга таълим муассасаси ишлаб турибди. Жорий йилнинг ўзидеёқ бу рақамлар икки баравар ортди эса болажон халқимизнинг орзулари ушалаётганидан, азиз фарзандларига ғамхўр давлатнинг куч-қудратидан нишондир...

Тадбирлар давомида Халқ депутатларлари вилоят Кенгаши депутати, вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи З. Эралиева, "Наврўз" нашриёти директори И. Халилов иштирок этиб, юртимизда китобхонлик, таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритди.

Санд БОБОЕВ
Нозимжон ИСМОИЛОВ
олган сурат

Бошланиши 1-бетда

Пайшанба – жиноatchиликнинг олдини олиш ва профилактика кун

ИМКОНИЯТ БЕРИЛДИ, УНИ ОҚЛАШ КЕРАК

Диний-экстремистик оқимларнинг фаолияти, терроризмнинг аянчли оқибатлари ҳақида кўп эшитганимиз. Баъзида интернет орқали айрим давлатлардаги жангариликнинг Ислон дини нисбати остидаги қилмишларини кўрганимизда этимиз жунжикиб кетади. Ичимизда кўрқув, шу билан бирга уларга нисбатан ғазаб, нафрат уйғонади. Ахир, қанча-қанча гўдакларнинг бевақт ўлимга, минглаб аёлларнинг фарзанд доғида қуйиб, фарёд чекишларига ўшалар сабабчи бўлапти.

... Бекобод шаҳрида бўлиб ўтган сайёр суд мажлисида қамқодан озод этилган Нормурод Тўхтаев (исм-шарифи ўзгартирилган) ўз фикрини кўзидеёқ билан баён этди. "Шуқри, хатоимни вақтида тушуниб етдим, бундан буён ҳалол меҳнат қилиб, юртимизга наф келтириб, эл қорига ярашга ота-онам, маҳалла-қўй олдига ваъда бераман. Йўлдан адашганларни кечириб, тўғри яшашига имкон берган Ортбошимизга минг раҳмат..."

Сайёр суд мажлисида диний-экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар фаолиятида иштирок этишда айбонлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан терговга жалб этилган, 1986 йилда туғилган Нормурод Тўхтаевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши қўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, судланувчи 2016 йилда пул топшиш мақсадида оила аъзоларини олиб, Туркия

давлатига жўнаб кетади. "Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тош-тарозу" деганларидек, унинг кўп пул ишлаш борасидаги орзулари орзулигича қолади. Тўхтаев ўзи билиб-билмай экстремистик ташкилот сафига қўшилиб қолади. Етарли билимга эга бўлмаган Нормурод "халифалик давлати"ни барпо этмоқчи бўлаётган кимсалар билан дўстлашди. Ташкилотнинг жиҳодга қорловчи, экстремистик ва террористик руҳдаги давлатларида иштирок эта бошлади.

Юртимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ ёшлар маънавиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, маънавият – инсонни руҳан покляниш, қалбан улғайишга қорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-этиқодини бутун қилдирган, виждонини уйғотадиган бекиёс қуддир.

Бинобарин, миллат, халқ, жамият, мамлакат тараққиёти ва

Маълум бўлишича, уларнинг бири боқувчисини йўқотган, бири кам таъминланган. Ерга ишлов бериш, ҳайдатиш, уруғ, қўчат сотиб олишга куч ва моддий имконияти етмапти. Қолаверса, интилиш, ҳаракат йўқ уларда.

Оққўрғонга сафаримиз чоғида ҳар томонлама кўмак олган ушбу оилалар хонадониде ҳам бўлди. Улар "уйғонгани"га, ҳар бирининг ҳовлисига ишлов берилганига, картошка, саримсоқ-пийёз ва турли қўчатлар чиройли қилиб экилганига гувоҳ бўлди. Ҳаёлимиздан "Бўлар экан-ку!" деган ўй ўтди.

Бир қарашда оддий, арзимас бўлиб кўринадиган бу ишлар замирида катта наф борлигини таъкидлаш даркор. Айни "илик узилди" даврида витамин ва микроэлементларга бой баҳорий қўчатларнинг истемол қилиниши саломатликка ҳар жиҳатдан фойда эканини ҳамма билади. Рўзгордан ортганини сотишга олиб чиқиш эса бозорларда нарх-наво барқарорлигига хизмат қилади.

Олтимиш бешга қариялман, дейди Оққўрғон туманидаги "Султонобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Халил Қаршибоев. – Ҳеч бир замонда томоқрангга уни эксанг унча, бунга эксанг бунча фойда кўрасан, "имтиёзли кредит олинг", деб уйга одам келмаган. Ёки хонадонма-хо-

Бошланиши 1-бетда

БУГУННИНГ УСТУВОР ТАЛАБИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, миллий қонунчилик асосларини шакллантириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, жиноatchиликка қарши курашишнинг замон талаблари даражасида олиб борилишига эришиш бугуннинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Албатта, бунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Учрашув

Бу борада вилоятимизда қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жиноatchи ишлари бўйича вилоят суди томонидан тегишли тартибда режа ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ижроси доирасида барча шаҳар ва туманларда аҳоли билан

учрашувлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирларнинг бири Паркент туманида бўлиб ўтди. Унда тумандаги Қорақалпоқ қишлоқ фуқаролар йиғини аҳли иштирок этди.

Талончилик, яъни мулкни очикдан-очик талон-торж қилиш жиноatchи содир

этилишининг олдини олиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳамда аҳолини ташвишлантираётган бошқа масалалар бўйича тушуначалар беришга бағишланган учрашувда жазо турлари ҳақида сўз юритилди. Терроризм, унинг аянчли оқибатлари, одам савдоси каби жиноatchилар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси" Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борди.

Ирода НОРБОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Ҳаракат хавфсизлиги

Вилоят ИИБ ЙХХ бошқармаси томонидан йўл ҳаракати иштирокчиларининг қондаларга риоя қилиш маданиятини ошириш, пиёдалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва уларнинг серкатнов йўллари, қорраҳалар, пиёдалар учун белгиланган жойлардан ўтишларини назорат қилишга қаратилган "Диққат, пиёда!" ва "Диққат, болалар!" профилактик тадбирлари ўтказилди.

«ЮЗТА» ОТИБ, «ЮЗ»ДА ЮРМАНГ – ЮЗГА КИРАСИЗ

Тадбир доирасида вилоят ҳудудида транспорт воситаси серкатнов йўлларида яқин жойлашган коллеж, лицей, мактаблар ўқувчилари, мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирокида 250 дан ортиқ учрашувлар, суҳбатлар ўтказилди.

Шу билан бирга йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилаётганига қарамай, ҳамон айрим фуқаролар қонидан бузаятгани ачинарлидир. Хусусан, жорий йилнинг 16 февралдан вилоятимизнинг М-39 "Тошкент – Термиз" автомобиль йўлининг Янгийўл ва Чиноз туманлари ҳудудида ўрнатилган фоторадарлар 35 мингдан зиёд белгиланган тезликни оширган транспорт воситаларини қайд этган. Бундан ташқари, вилоят ИИБ ЙХХ бошқармаси томонидан ўтказилган тадбирларда қондабузарлик содир этган пиёдалар ҳам аниқланиб, уларга нисбатан белгиланган тартибда чора кўрилди.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтказилган "Автопатруль тун" профилактик тадбирида маст ҳолда ва тегишли ҳужжатларсиз автомашинани бошқарган фуқаролар аниқланиб, 150 дан ортиқ транспорт воситаси жарима майдонига қўйилди.

Ўз мухбиримиз

Илмира ЛАЗИЗОВА

ҚЎЗИҚОРИНДАН ЗАҲАРЛАНИШ МУМКИНИМИ?

Заҳарли қўзиқоринлар асосан вилоятимизнинг Оққўрғон, Бўстонлик, Бўка, Бекбод, Охангарон, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Паркент туманларида учрайди. Шунинг айтиш кераки, қўзиқоринларнинг бу турлари истеъмол қилинадиганларига жуда ўхшаш бўлади. Уни фақат мутахассисларгина фарқла-

ши мумкин. Оқ паганка, мухомор, сарик тана, серёжка, шампиньон каби қўзиқорин турлари маълум шароитларда заҳарли хусусиятларга эга бўлади. Улар ошқозон-ичак йўлидан қонга сўрилиб, асаб тизими, юрак қон-томир, буйрак, бош мия тўқималарини жиддий жароҳатлайди. Айниқса, қариялар ва бо-

лаларда заҳарланиш ҳолати ўткир бошланиб, оғир асоратларга олиб келади. Заҳарланишнинг яширин даври 3-5 соатдан 20-24 соатгача бўлиши мумкин. У қорин оғриғи, кўнгил айнаши, қайт қилиш, титроқ, бош оғриғи, бош айланиши аломатлари билан намоён бўлади. Бундай ҳолларда зудлик билан шифокорга мурожаат

этишингизни сўраймиз. Акс ҳолда беморнинг аҳоли янада оғирлашиб, хавфли асоратларга олиб келиши мумкин.

Абдурахмон ИСМОИЛОВ,
вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиена бўлими мудири

кенг қўламли ишларга бош-қош бўлаётган давлатимиз раҳбарига раҳмат айтишимиз керак.

– Бир юз икки мингдан зиёд аҳолиимиз ихтиёрида 2 минг 500 гектардан ортиқ ер бор, – дейди

га эртанги, 1 минг 50 гектарига ўрта экин турлари экилди. Яқин кунларда бу борадаги ишларни тутатамиз. Ҳосилни йиғиб олиш, қадоқлаш ва қайта ишлаш, уларни ички ва ташқи бозорга сотишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз изчил давом эттирилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 9 октябрдаги "Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томоққа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ ҳўжалиғи экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида туманда ташкил этилган хизмат кўрсатиш маркази бу борада аҳолига катта қўламли ва имконият яратмоқда.

Йиғирма бир нафар киши меҳнат қилаётган ушбу марказга (техника ва зарур қурилмалар харид қилиш учун) "Халқ банки" 600 миллион сўм кредит ажратди. Айтиш жоиз, бу ерда энди аҳоли, фермер ва деҳқон ҳўжаликларида турли хизматлар, хусусан, уруғлик ва қўчат, кимёвий дорилар етказиб бериш каби хизматлар кўрсатилади. Мақсад – томоққачилик, қишлоқ ҳўжалиғи соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўйиш.

Холмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти/Вилоят ҳаёти

БИЛИМДОНЛАР БЕЛЛАШДИ

Қибрай туманидаги молия-иқтисодиёт касб-хунар коллежида Республика фан олимпиадасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ёшлар билимини мустаҳкамлаш, истеъдодини юзага чиқаришда бундай беллашувларнинг ўрни катта.

– Олимпиадани юқори савияда ташкил этиш учун жиддий тайёргарлик кўрилди, зарур шароитлар яратилди, – дейди вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Д. Қурбонов. – Асосий мақсад – ўқувчиларимизнинг ўз билим ва имкониятларини тўлақонли намоён этишига эришиш. Бу олимпиадада голиб чиққан билимдонларимиз республика босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилади.

Билимлар беллашувида умумтаълим фанлари бўйича олимпиаданинг шаҳар ва ту-

ман босқичларида энг юқори натижаларга эришган академик лицей ва касб-хунар коллежларининг иккинчи ва учинчи босқичида таҳсил олаётган 479 нафар ўқувчи она тили, кимё, математика, информатика, чет тили каби 14 фан бўйича ўз билим ва истеъдодини синовдан ўтказди.

Нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан Ангрен, Олмалик ва Чирчиқ шаҳарлари, Қибрай, Бекбод, Паркент, Оққўрғон ҳамда Пискент туманларидаги касб-хунар коллежларида таълим олаётган 13 нафар иштирокчи олимпиаданинг республика босқичида иштирок этиш учун йўланмани қўлга киритди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА

Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

КАТТА ҲАЁТ САРИ

Зангиота туманидаги "Шуқрона" қошонасида бир йўла 5 нафар жуфтликнинг никоҳ тўйи ўтказилди.

Ушбу маросимда туман ҳокими А. Тамикаев ва бошқалар ёшларга бахт тилаб, юртимизда бундай тадбирларни ихчамлаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

Шунингдек, тўй-маъракаларни ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, ФХДБ бўлимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида маҳалла-ларда тўйларни ихчамлаш-

тириш, тиббий кўрик, никоҳ мажбуриятлари бўйича тарғибот ишлари кучайтирилаётгани таъкидланди.

Маросимда тумандаги "Далагузар", "Эски қалъа", "Абдужалилбоб", "Ўртаовул" ва "Зарафшон" маҳаллаларида истиқомат қилувчи, кам таъминланган, чин етимликда воёга етган ушбу келин-куёвларга уй-рўзгор учун зарур маиший техникалар туҳфа этилди.

Сайёра ЭШМАТОВА

МАРД ЎҒЛОНЛАР ҚАСАМЎДИ

Пойтахтимиздаги ҳарбий қисмлардан бирида сафарбарлик қақруви резерви хизматини ўтаган вилоятимиз ўғлонлари ҳарбий қасамёд қабул қилди.

Тадбирда ҳарбийлар, кенг жамоатчилик, ота-оналар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

– Ҳарбий қасамёд – бу эр кишининг Ватанга муҳаббат, халқи ва Президентига садоқати белгисидир, – дейди ҳарбий қисм командири ўринбосари Суҳробхўжа Сулаймонов. – Аскарлар бир ой ичида армия ва ҳарбий соҳага оид бошланғич тушуна ва билимга эга бўдилар.

Ҳарбий қасамёд қилган ўғлонлар орасида чинозлик Рустам Абдуназаров ҳам бор.

– Болаликдан ҳарбий либос кийишни орзу қилардим, – дейди у. – Ниятимга етганимдан хурсандман. Бу ерда бизга қурол билан ишлаш, жисмоний ва саф тайёргарликлари бўйича ҳам машғулотлар ўтказилди. Бундан ташқари, вақтдан унутили фойдаланиш, муҳими, Ватаним севим, ота-она ишонгани оқлаш ва оила қадрига етишни янада теран ҳис қилди. Қолаверса, янги дўстлар орттирдик.

Тадбир якунида аскарлар-га ҳарбий гувоҳномалар топширилди.

З. ҚАМБАРОВ

Тошкент вилояти силга қарши кураш диспансери, вилоят фтизиатрлар кенгаши жамоаси вилоят фтизиатрия ва пульмонология шифохонаси бош шифокори Зиёдулло Абдуллаевга акаси

Шукурullo
АБДУЛЛАЕВНИНГ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мутахассис огоҳлантиради

Маълумки, баҳорда ёввойи қўзиқоринлар кўпаяди. Улар тоғ, дала ҳовли, хиёбон, ариқ ва сой бўйларида, шунингдек, хонадонларда ҳам учрайди.

Ававало, қўзиқоринларнинг ёввойи турини билмай туриб, улардан консерва ва ҳар хил таомлар тайёрлаб, истеъмол қилиш ўта хавфлидир.

Амир Темури таваллудининг 682 йиллигига

Соҳибқирон бобомиз қилич зарбидан кўра кенгаш кучининг, ҳикмат қудратининг минг қарра афзаллигини теран англагани боис, энг муҳим масалаларни машваратда, тажрибали аъёнлар суҳбатида ҳал этган. Сўнгги

Амир Темури шахсиятида тоғдек қатъият билан дарёдек меҳр-шафқат туйғулари уйғунлашиб кетгани кишини ҳайратга солади. Заҳириддин Муҳаммад Бобур "Бобурнома"да Мироншоҳни йўлдан урган бир кимсани

кўрсатдим", деган фикрлар ул зотнинг муҳим ҳаётий аъмоли бўлган.

Буюк давлат арбоби, адолатли қонуншунос, улкан салоҳиятли меъмор, кураги ерга тегмаган саркарда Амир Темури яна бир

бўлиб жаранглайди: "Сармоёси қўлдан кетиб қолган савдогарга ўз сармоёсини қайтадан тиклаб олиши учун ҳазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Деҳқонлар ва раиятдан қайси бирининг деҳқончилиги қилишга қурби



тузатишга қурби етмаса, керакли усуллар етказилиб, унга ёрдам берилсин".

Ўзи таъкидлаганидек, ҳар мамлакатда адолат эшигини очган, зулму ситам йўлини тўсган Соҳибқирон Амир Темурининг ибратли ҳаёти йўлини яққол намоён этган ўғитлари бизни ҳақиқат улкан бунёдкорликларга қорлаб туради.

Шоира БОЗОРОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири

СОҲИБҚИРОН ҚУДРАТИДАН МЕРОС ҲИКМАТЛАР

сўзни, албатта, Амир Темурининг ўзи айтган. Қай ҳудудга бормасин, олиму уламолар, фозилу фозиллар билан шахсан учрашишга ва уларга мурувватлар кўрсатишга одатланган, тўғри маслаҳат берган кишиларни жон қулоғи билан тинглаган: "Кенгаш икки турли бўлиб: бири – тил учиди айтилган, иккинчиси – юракдан чиққан. Тил учиди айтилганини шунчаки эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим".

Бошланғич 1-бета

Соҳибқирон энг оғир жазога ҳукм этгани ва уни тутиб келганларида Куръон тиловат қилиб юборгани учун бир форсий байт ўқиб, гуноҳидан ўтганини айтади. Бу эътирофдан Амир Темурининг бағрикенглик, кечиримлилик каби олижаноб фазилатлари билан бирга сўз санъатини ҳам яхши билганини англаш мумкин. Зеро: "Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату иқром

ўғити айна кунларда мамлакатимиздаги ислохотлар амалиётида бўй кўрсатаётган юрт маъмуричилиги, халқ фаровонлигининг асоси

етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб,

Ул Зот дейдиларки...

- Бир кунлик адолат – юз кунлик ибодатдан афзал.
- Бўридан қўрққан ўрмонга кирмайди.
- Номуссиз ҳаётдан, номусли ўлим яхши.
- Энг банд минора ҳам ердан кўтарилгай.
- Яхши одам юрт тузар, ёмон одам юрт бузар.
- Ёзилган нарсавалодлар хотирасида қилинган ишдан ҳам узокроқ яшайди.

ЎҚУВЧИЛАР МУЗЕЙГА БОРАДИ

Буюк бобокалонимиз Амир Темури таваллуди муносабати билан мактабимизда ўтказилган тадбирда 8-, 9-синф жамоалари иштирок этди.

Бизга ёздилар



Ўқувчилар Соҳибқироннинг ҳаёти, ҳарбий юришлари, яратган боғлари, қурдирган саройлари, саф-

дошлари ва оила аъзолари ҳақидаги саволларга берган пишиқ-пухта жавоблар билан йиғилганлар

эътиборини тортди.

Танловда Дилаф-рўз Турсунмахаммадова, Асадбек Турсунбоев, Камола Юсупова, Зарнигор Таштанбоева, Лазиза Абдухалилова, Худойберди Нишоналиев, Диёра Мели-

боева каби ўқувчилар бобокалонимиз ҳаёти ва фаолиятининг билимдонии сифатида эътироф этилди. Бахсларда 9-"Д" синф ўқувчилари алоҳида ажралиб турди. Ҳақиқат шундайлики, маъмурияти томонидан фахрий ёрликлар

билан тақдирландилар. Энг муҳими, улар пойтахтимиздаги Темуриёри тарихий давлат музейига саёҳат қиладиган бўдилар.

Ҳикматиёлла Тўлибоев, Янгийул туманидаги 27-мактабнинг тарих фани ўқитувачиси

Моҳият

НИҲОЯСИ ЙЎҚ РОҲАТ

Инсонни ҳайвонлардан юқори қўйган, уни дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарсаси бордир: ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат. Илим таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофича тушуна билмоқ – ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат –

ақлга; ҳаё, олижаноблик, ўзини қўлга олмақ ва ўзининг ҳақ-ҳуқуқини билмоқ – қаноатга; тўғрилиқ, ваъда вафдо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши ҳосиятли бўлмоқ – адолатга тегишлидир. Бу сифатларнинг бариси бир одамда мужассас бўлса, дунёдаги энг буюк саодат

ҳам уни гангитиб қўймайди, энг катта бахтсизлик ҳам уни саросимага сола билмайди. Бундай одам уни хурсанд қилмайдиган нарсаларнинг борлигидан ғам емайди, ўзида мавжуд нарсалардан тақдир маҳрум этгудек бўлса, ҳафаланмайди, бошига фалокат келса, ўзини

йўқотиб қўймайди. Ҳикмат – битмас ва туганмас ҳазинадир, харжлаганинг билан у қаймайди, асраганинг билан унча нуксон етмайди. Ҳикмат шундайлики, кийганинг билан эскирмайди. У ниҳояси йўқ роҳатдир.

"Қалила ва Димна"дан.

Ойларнинг яхши-ёмони бўлмайди-ю, аммо апрель дейишса ғижиниб кетаман. Ўз-ўзидан ўғри урган сигирнинг пули эсга тушади.

Қисир сигирим бор эди, бозорга олиб бориб, азонда сотдим. Бўғозидан олишим керак. Сигирнинг арқонини пахталигим устидан белга боғлаб, бозор айланаяпман. Бир пайт савдо бўлаётган ҳўкизнинг биқинида турсам, қўйимда бегона қўл рақс тушаяпти. Шартта ушламақчи эдим, сирғалиб чиқиб кетди, хумпар. Нима бўлганини ўғри беш-олти қадам юргандан кейин сездим: сигирнинг пулини уриб кетбди.

– Ўғрини ушланглар, ўғрини! – жон ҳолатда бақирдим.

Мол бозори уч-тўрт дақиқа жимиб қолди. Одамлар аввалига бир-бирларига, сўнг менга савол назари билан қарашди.

– Пулимни ўмариб кетди! – қўлларимни силтаб, ўғрига ишора қилдим.

Одамларнинг бошлари ўғри томон кескин бурилди.

– Ошнам алдаяпти, бугун – биринчи апрел-ку! – деди ўғри тиржайиб.

Биринчи апреллиги тушимга ҳам қармаганди. Одамлар ҳафсаласиз бош чайқашди.

– Қанақа биринчи апрель?! Ростдан пулимни ўғирлаб кетди, деяпман! – Ўғри ортидан ташландим. Аммо забардаст қўл, билангидан тутиб қолди.

– Эй, "номер"инг ўтмади, ука, ўхшамади! – тақамўйлов "акам" билангидан баттар қисди.

– Қанақа номер? Ҳақиқатан ўғирлаб кетди! – алам билан тушунтира кетдим. – Эрталаб қисир сиғи-

римни сотгандим! Мана арқони! Кейин...

Бирдан гапларим латифадек таъсир қилаётганини сезиб қолдим: одамлар тақамўйловга қўшилиб, кула бошлашди. "Эй!" деб қўл силтадим. Зора ўғри кўриниб қолса деб, у кетган томонга чопдим. Ҳе, қораси ҳам йўқ. Девор устига чиқдим. Бозордаги ҳар

ўғрини ушланглар!" деб бақирдим.

– Одамлар ўғри томон ташлан-нишди, – назоратчи ўзича воқеалар ривожини давом эттири кетди. – Аммо ўғри эпчил экан, ҳаммага чап бериб, одамлар орасида сувга тушган узукдай йўқ бўлди...

– Қаёқда, – ҳафсаласиз жавоб қилдим. – Қўзимга бақрайиб қараб, тиржайганча: "Ошнам алда-

ҲАЗИЛИ ҲАМ ҚУРИБ КЕТСИН!



Шанба
мутуйибаси

япти, бугун – биринчи апрель!" деди.

– А? – нозир сакраб тушгандай бўлди. Сўнг олдидаги календарни варақлаб, рўқасини стол устига ташлади. – Дарвоқе, бугун биринчи апрель! Ха-ха-ха! – у ўрнидан туриб, тентаклардай қотиб-қотиб қулганча, атрофиди айлана бошлади. Ёзган қозғолари гижимлаб, бурчақдаги челака отди. – Эй, ёмон қилдингиз, ёмон қилдин-

гиз! Ҳозир бир минут, кетмай туринг! – у ғойиб бўлди.

"Тутқаноғи борми бунди? Нималар бўлаяпти ўзи?" ўйлаб кетдим. Эшикдан назоратчи шеригини бошлаб кирди.

– Мана, мана ўзлари, – деди кулимсираб, рўқасини қўлига оларкан. – Мана бу ўртоғимиз – ҳақиқий изкувар. Ўғрини ушласан-

Хайронлигим баттар ошди! Буларга бир нарсаси бўлганми? Бирдан сезиб қолдим: улар мени биринчи апрель қилаётган экан! Қўл силтаб, эшик томон юрдим.

– Шошманг, биринчи апрель, балки бошланишининг ҳам эшитгиси келиб қолар!

Бегоналар дардингга шерик бўлармиди? Яхшиям уйда хотин бор, йиғлайди, сиқтайди, сочларини юлади, аммо дардимни эшитишга сал енгил тортарман! Айтганимдай, умриндан барака топкур хотин, "Пулни ўғирлаб кўйдим!" дейишим билан шунақа ғавво кўтарди, учта қўшимиз уч томондан югуриб қичди. (Ўзи улар старта туради – қайси томонда уруш-жанжал бўлиб қолар экан, деб) Сал тафтим босилгандай бўлди. Белимдаги арқонни ечиб, хотиннинг олдида ташлагандим, "Вой, жигарим!" лаб юборди. Қўшнлар хотинга қўшилиб ўғрининг ўрига гишт қалашни бошлашганди, танам яйраб кетди.

Қайси хотин мактабга борадиган боласини эргаштириб юради? Аҳмоқ хотин! Аҳмаджоннинг хотини боласини эргаштириб қичқан экан! Ҳамма нарсанинг белига тепди.

– Амакмининг гапига ишонманглар, бугун – биринчи апрель! – деди тиржайиб.

Қарғиш отаётган оғизлар, қарғишларнинг ярим қичқанда, очилганча қотиб қолди. Сўнг бирдан оғизлар "хо-хо-хо!" ларга тўлди! Хотинлар ўн беш дақиқа хо-холашди. Шумшайиб ўтириб бердим. Хотиним қулгидан ёшланган кўзини енг билан артиб иршайди: – Ҳе, ҳазилингиз ҳам бор бўлсин, дадаси!

Саид АНВАР

Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт/Спорт

БИЛАГИ БАҚУВВАТ
БОКСЧИЛАР

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси соврини учун бокс бўйича ўтказилган турнирда вилоятимиз чарм қўлқоп усталари ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Халқаро майдондаги мусобақаларда юртимиз шарофтини ҳимоя қиладиган терма жамоага номзодларни саралаб олиш мақсадида ташкил этилган турнирда боксчилар ўнта вазн тоифасида рингга қичди. Халқаро тажрибага эга бўлган чемпион боксчимиз Худойназар Файзов 52 килограмм вазн тоифасидаги финал учрашувида жиззахлик Фозилжон Абдумуродовни мағлубиятга учратди ва биринчи ўринни эгаллади.

Оғирлиги 56 килограмм бўлган боксчилар баҳсида ҳам вилоятимиз вакили Ойбек Жўраев голиб бўлди.

У финал учрашувида Ўзбекистон чемпиони ва халқаро турнирлар голиби андижонлик Ҳасанбой Латиповдан устун келди.

69 килограмм вазн тоифасида Тоҳир Акрамов кумуш, вазни 81 килограмм бўлган чарм қўлқоп усталари баҳсида Дилшодбек Рўзиев бронза медални қўлга киритди.



Футбол бўйича Ўзбекистон суперлигасида вилоятимиз шарофтини ҳимоя қилаётган Олмалиқнинг АГМК жамоаси тарихий ғалабага эришди.

ҒАЛАБА МАНА
БУНДАЙ БЎЛАДИ!

Мусобақанинг бешинчи турида Фарғонанинг "Нефтчи" жамоасига қарши сафарда тўп сурган футболчиларимиз муҳлислар ишончини оқлади. Кўп минг сонли муҳлислар гувоҳлигида ўтган учрашувида Лутфулла Тўраев, Вадим Чемиртан, Йован Жокич томонидан киритилган голлар олма-лиқликларнинг 3:1 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади.

Таъкидлаш жоизки, Бу АГМК футболчиларининг Ўзбекистон чемпионатлари тарихида Фарғонадаги ilk ғалабаси сифатида қайд этилди. Умумий ҳисобда вилоятимизнинг бу жамоаси "Нефтчи" устидан жами олти маротаба зафар қучган.

Суперлига баҳсларида АГМК бешта учрашувида иккита ғалаба ва битта дуранг билан етти очко жамғарди.

Ўз муҳбиримиз



Ойда мобил алоқа

Ой мобил алоқа билан қопланган биринчи зонага 2019 йилда эга бўлади. Бу Ерга юқори аниқликдаги ахборотни узатиш имконини беради.

Мобил алоқа хусусий манбалар томонидан молиялаштирилувчи Ой миссиясини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳанинг бир қисмидир.

Лойиҳани "Vodafone Germany" амалга оширади, Nokia компанияси унга шериклик қилади. У Ернинг йўлдошида мобил алоқани таъминлаб турувчи кичик технологик қурилмаларни ишлаб чиқади.

– Ушбу лойиҳа мобил тармоқ инфратузилмасини ривожлантиришга кескин инновацион ёндашуларни кўзда тутади, – дейди "Vodafone Germany"нинг ижрочи директори.

Дунёдаги

Энг катта самолёт

Stratolaunch компанияси қанотларининг узунлиги бўйича дунёдаги энг катта ҳисобланувчи Model 351 самолётини синовдан ўтказди.



Мазкур ҳаво кемасининг баландлиги 15 метрга тенг бўлиб, иккита 72 метрли фюзеляждан иборат. Қанотларининг умумий узунлиги 117 метрни ташкил этади, бу эса бутун бошли футбол майдонига тенг демакдир.

Ўқилги билан тўлдирилмаган самолётнинг оғирлиги 227 тонна, ёқилги билан эса – 340 тонна, тўлиқ юкланиш билан – 590 тоннани ташкил этади. Фойдаланишга топширилганидан сўнг, ушбу самолёт Pegasus XL ракета-ташувчисини учуриш платформасига айланади: у қўйи орбитага учадиган ракета-ташувчини 9100 метр баландликка қадар кўтариб чиқади. Бироқ ҳозирча, у қанчондан ишга туширилиши номаълум.

Биринчи босқич самолётнинг 28 та ғилдиракли шассисини мустаҳкамлик бўйича синовдан иборат. 2017 йилнинг декабрида унинг тезлиги соатига 45 километрга қадар қичқан эди. Янги синовлар эса февралнинг сўнгги кунлари Калифорния штатидаги Mojave Air and Space Port полигонига ўтказилди.

Рекордчи самолёт соатига 74 километр тезлик билан ҳаракатланишга муваффақ бўлди.

Тахминларга кўра, авиалайнер ўзининг ilk парвозини 2020 йилдан сўнг амалга оширади.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир

Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Ҳафтанинг
чоршанба ва
шанба кунлари
чиқади.

14 674 нусхада
чоп этилди

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари
Шарҳнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими,

Телефонлар:

233-58-85 (факс)
233-70-10
233-12-83
233-38-23, 233-48-08
233-65-59
233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида
2011 йил 12 январда
03-001 рақами билан
руйқатга олинган.

Газета "Тошкент ҳақиқати"
тахририяти компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Зоҳир ТОПХЎЖАЕВ
Назоратчи мусаввир
Қумуш ЭТАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ